ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА
КАШКАДАРЬИНСКОЙ
ОБЛАСТИ

180100, Ўзбекистон Республикаси, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси,1-уй. Факс: (375) 221-12-88

2020 йил «27» февраль № HQ - 191/02 -сонли Қарши шаҳри

Қаттиқ маиший чиқиндиларни турар ва нотурар жой биноларида ўртача тўпланиши бўйича меъёрларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги ПҚ-4291-сон қарори билан тасдиқланган "2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳаракатлар дастури"нинг 40-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 13 январдаги 01-04/1-16-сонли хати ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларларнинг тўпланиш меъёрларини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқот ва хронометраж ишлари натижалари инобатга олинсин.

2. Вилоят миқёсида қаттиқ маиший чиқиндиларни турар ва нотурар жой биноларида ўртача тўпланиши бўйича меъёрлар (кейинги ўринда меъёрлар деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, меъёрлардан:

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган ташкилотлар (кейинги ўринларда ихтисослашган ташкилотлар деб юритилади) фаолиятини олдиндан режалаштириш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиш техникалари, механизмлар ва ускуналарга бўлган талаб ва эҳтиёжларни ҳисоб-китоб қилиш;

ихтисослашган ташкилотларнинг қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш ва аҳоли пунктларидан олиб чиқиш хизматини кўрсатиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни утилизация қилиш, зарарсизлантириш, қайта ишлаш соҳаларининг услублари ва усулларини белгилаш ҳамда пировардида чиқиндиларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирларини камайтириш мақсадларида фойдаланилади.

4. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш вилоят бошқармасига (Ғ.Ибрагимов) ихтисослашган ташкилотлари билан биргаликда:

вилоятдаги қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ хизматларни ушбу қарор билан тасдиқланган меъёр асосида ташкил этиш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш ва аҳоли пунктларидан олиб чиқиш хизматини кўрсатиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш, тузилган шартномаларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар қиритиш ишларини ташкиллаштириш;

қаттиқ маиший чиқиндиларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирларини камайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилсин.

5. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш вилоят бошқармаси (Ғ.Ибрагимов):

бир ой муддатда вилоят бўйича ташкил этилиши лозим бўлган чиқинди тўплаш шаҳобчалари, қаттиқ маиший чиқиндилар полигонлари, утилизация қилиш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳамда қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишга ихтисослашган автотранспорт воситаларига бўлган эҳтиёжлар юзасидан уларни ташкил этиш ва сотиб олиш ҳаражатларининг аниқ манбалари кўрсатилган, шу жумладан Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ташкил этиш ва сотиб олиш бўйича таклифларни;

2020 йилнинг 1 декабрь кунига қадар ушбу қарор билан тасдиқланган меъёрларнинг амалиётда ишлашини барча туман ва шаҳарлар кесимида мониторинг ва таҳлил қилсин ҳамда натижаси бўйича аниқ ҳисоб-китобларга асосланган таклифларни вилоят ҳокимлигига тақдим этсин.

6. Ушбу қарор “Қашқадарё” ва “Новости Кашкадарьи” газеталарида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг qashqadaryo.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Азизов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими **З.Мирзаев**

Вилоят ҳокимининг
2020 йил 27 февралдаги
HQ-191/02-сон қарорига
ИЛОВА

Қашқадарё вилояти ҳудудида қаттиқ маиший чиқиндиларни турар ва нотурар жой биноларида суткалик тўпланиш меъёрлари

№	Қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш объектлари	Ҳисоб бирлиги	Қаттиқ маиший чиқиндиларнинг тўпланиш меъёрлари кг/ҳисоб бирлик	ҚМЧларнинг солиштирма оғирлиги кг/м^3
	Турар жойлар			
1	Уй жой фонди (кўп квартирали уйлар ва якка тартибдаги).	1 киши (истиқомат қилувчи)	0,750	229,19
	Нотурар жойлар			
2	Маъмурий ва бошқа муассасалар (ташкилотлар, офислар, идоралар, банклар ва ҳ.к.)	1 ходим	0,220	166,52
3	Меҳмонхоналар, умумий ётоқхоналар, дам олиш масканлари ва ҳ.к.	1 ўрин	0,212	241
4	Интернатлар, меҳрибонлик (болалар) уйлари, қариялар уйлари ва ҳ.к.	1 ўрин	0,45	281,6
5	Умумий овқатланиш корхоналари (кафелар, ресторанлар, ошхоналар, барлар ва ҳ.к.).	1 ўрин	0,864	278,53
6	Болалар боғчалари, яслилари ва ҳ.к.	1 ўрин	0,102	245,3
7	Мактаблар, коллежлар, олий таълим муассасалари ва бошқа ўқув муассасалари.	1 ўқувчи, талаба	0,067	277,33
8	Поликлиникалар.	1 ташриф буюрувчи	0,082	204,5
9	Шифохоналар, санаторийлар, сиҳатгоҳлар, бошқа даволаш-профилактика муассасалари ва ҳ.к.	1 ётоқ ўрин	0,583	266,14
10	Театрлар, кинотеатрлар, концерт заллари, кутубхоналар, клублар, автомат ўйин заллари ва ҳ.к.	1 ўрин	0,067	274,212
11	Сартарошхоналар, гўзаллик салонлари ва ҳ.к.	1 ўрин	0,090	55,25

№	Қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш объектлари	Ҳисоб бирлиги	Қаттиқ маиший чиқиндиларнинг тўпланиш меъёрлари кг/ҳисоб бирлик	ҚМЧларнинг солиштирма оғирлиги кг/м^3
12	Стадионлар, спорт ареналари, спорт майдончалари ва ҳ.к.	лойиҳа бўйича 1 ўрин	0,010	211,5
13	Бозорлар, супермаркетлар, гипермаркетлар, озиқ-овқат дўконлари, саноат моллари дўконлари, ярмаркалар, хўжалик моллари дўконлари, савдо павильонлари, киоскалар, палаткалар ва ҳ.к.	1 м^2 савдо майдончаси	0,062	228,61
14	Дорихоналар.	1 м^2 савдо майдончаси	0,036	128
15	Машинада туриб савдо қилиш, кўчма савдо дўконлари, лотоклар.	1 савдо ўрни	2,005	343,05
16	Музейлар, кўргазмалар ва ҳ.к.	1 м^2 умумий майдон	0,706	225
17	Спорт, рақс, ўйин заллари ва ҳ.к.	1 м^2 умумий майдон	0,008	50,6
18	Улгуржи савдо базалари, озиқ-овқат, омборлари ва ҳ.к.	1 м^2 умумий майдон	0,028	146,2
19	Улгуржи савдо базалари, саноат моллари омборлари ва ҳ.к.	1 м^2 умумий майдон	0,132	219,25
20	Вокзаллар, автовокзаллар, аэропортлар ва ҳ.к.	1 м^2 умумий майдон	0,033	159,05
21	Маиший хизмат уйлари: аҳолига хизмат кўрсатиш.	1 м^2 умумий майдон	0,013	95,532
22	Кирхоналар (кир ювиш), химчисткалар, кийим тикиш ва таъмирлаш ателъелари, пойабзал таъмирлаш устахоналари ва ҳ.к.	1 м^2 умумий майдон	0,012	202,3
23	Хаммомлар, сауналар ва ҳ.к.	1 м^2 умумий майдон	0,032	222,4
24	Маиший ва электрон техникаларни таъмирлаш устахоналари ва ҳ.к.	1 иш ўрни	0,242	358,25

№	Қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш объектлари	Ҳисоб бирлиги	Қаттиқ маиший чиқиндиларнинг тўпланиш меъёрлари кг/ҳисоб бирлик	ҚМЧларининг солиштирма оғирлиги кг/м^3
25	Автомобил турар жойлари, автомобил ювиш шохобчалари, автомобил таъмирлаш устахоналари, ёқилғи қуйиш шохобчалари (АЁҚШ), гаражлар ва ҳ.к.	1 машина-ўрни	1,345	190,8
26	Оммавий йиғилиш тадбирларини ўтказадиган юридик шахслар.	1000 қатнашувчи	0,112	102,9